



Мен сизларга тухмат қилиб қасам бермадим. Лекин менга Жаброил (алайҳиссалом) келиб, Аллоҳ таоло сизлар билан фаришталарига фахрланаётганининг хабарини берди», дедилар», деб айтдилар

масжиддаги (зикр) халқаларидан бирига чиқиб: «Сизларни бундай ўтиришга нима нарса ундади?» деб сўраганларида, улар: «Аллоҳни зикр қилиш учун ўтирибмиз», дейишди. Муовия розияллоҳу анҳу: «Аллоҳга қасамки, сизлар фақат шунинг учун ўтирдиларингми?» дегандилар, улар: «Ҳа, фақат шунинг учун ўтирдик», дейишди. Шунда Муовия розияллоҳу анҳу: «Мен сизларга тухмат қилиб қасам бермадим, лекин ҳеч ким Расулуллоҳга соллоллоҳу алайҳи васаллам менчалик яқин эмас. Яқин бўлишимга қарамасдан у зотдан оз ҳадис ривоят қилганман. Бир куни саҳобалар халқа бўлиб ўтирганларида, Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларига чиқиб: «Сизларни бундай ўтиришга нима нарса ундади?» деб сўрадилар. Саҳобалар: «Аллоҳни зикр қилиш ва бизни Исломга ҳидоят қилганига ҳамд айтиш учун ўтирибмиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасамки, мана шунинг учун ўтирдингларми?» – дедилар. «Аллоҳга қасам шу учун ўтирдик», – дедилар. «Мен сизларга тухмат қилиб қасам бермадим. Лекин менга Жаброил (алайҳиссалом) келиб, Аллоҳ таоло сизлар билан фаришталарига фахрланаётганининг хабарини берди», дедилар», деб айтдилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳу масжиддаги халқа олдига чиқдилар. Нима учун жамланганлари ҳақида сўрадилар. «Аллоҳни зикр қилаяпмиз», – деб айтишди. Фақатгина зикр учун жамланганлари ва йиғилганларига қасам ичишларини талаб қилдилар. Шунда улар ҳам қасам ичдилар. Сўнгра: «Мен сизларга тухмат қилиб ёки ростгўй эканингизда шак-шубҳам бўлгани учун қасам ичтирмадим», дедилар ва сингиллари Умму Ҳабийба Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари бўлгани ҳамда ўзлари ваҳий ёзувчиларидан бўлганлари учун ҳеч ким У зотга у кишидай яқин эмаслигига қарамай кам ҳадис ривоят қилганлари ҳақида хабар бердилар Набий соллоллоҳу алайҳи ва саллам бир куни уларидан чиққанларида уларни масжидда зикр қилган ва Аллоҳ уларни Исломга ҳидоят қилганига ҳамд айтиб ўтирган ҳолда топдилар ва Муовия разияллоҳу анҳу қилганларидай Расулуллоҳ ҳам саҳобалардан сўрадилар ва қасам ичдирдилар. Сўнгра Набий соллоллоҳу алайҳи ва

саллам саволларининг ва қасам талаб қилганларининг сабаби ҳақида айтиб бердилар: Жаброил фаришта келиб Аллоҳ сизлар билан фаришталарига фахрланаётганини У Зот ҳузуридаги фазлингларни зоҳир қилаётганини, яхши амалларингларни кўрсатаётганини ҳамда сизларга сано айтаётганини хабар берди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3007>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

